

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2016 йил 27 февраль, № 41 (6476) Шанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


## ЭЪТИРОФ

Республикамизда ахборот-коммуникация технологияларининг ривожланиши, давлат ва жамият ҳаётининг барча жабҳасида улардан кенг фойдаланилаётгани мазкур соҳага мутахассислар тайёрлайдиган экспертларда катта қизиқиш уйғотмоқда. “Жаҳон” ахборот агентлиги мухбири Тошкентдаги Инха университети вакиллари билан мамлакатимиз технологик тараққиётининг истиқболлари юзасидан суҳбатлашди.

## «Ўзбекистонда замонавий фикрлайдиган ва рақобатлашишга қодир бўлган ёшлар тарбияланмоқда»

Жумладан, **ушбу олий ўқув юртининг профессори Парк Се Гэн** ахборот-коммуникация технологиялари соҳаси глобал иқтисодиётда муҳим ўрин тутишини қайд этди. Унинг айтишича, мазкур тармоқ шитоб билан ривожланмоқда, бозорда янгидан-янги маҳсулотлар ҳамда хизматлар пайдо бўлаяпти. Бугунги кунда дунё хўжалигида ахборот-коммуникация технологияларининг ҳиссаси 5,5 фоизни ташкил этаётгани, 2020 йилга бориб эса жорий кўрсаткич 9 фоизга етиши кутилаётгани бунинг тасдиғидир.

— Ўзбекистон ушбу жараёндан четда турмаётгани ҳолда, мазкур жабҳани тараққий эттириш борасида катта салоҳиятга эгадир, — деди у. — Мен 1,5 йилдан буён мамлакатингизда яшаяпман. Шу боис эришилаётган муваффақиятлардан яхши хабардорман. Айтайлик, смартфонлар учун янги таклифлар ишлаб чиқилмоқда, ўтказилаётган турли IT-танловларида ёш авлод вакиллари фаол иштирок этаяпти. Бу, албатта, диққатга сазовор.

Яна бир жиҳатга эътибор қаратишни истардим: Ўзбекистон ҳам худди Корея Республикаси сингари таълим ва малакали кадрлар тайёрлашга фаол сармоя йўналтираётир. Шубҳасиз, бу АКТ ҳамда иқтисодиётдаги инновациялар ривожига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшади.

Ишончим комилки, Жанубий Кореядаги Инха университетининг Тошкентда филиали очилгани дунёга янги маҳсулот ва хизматларни таклиф этадиган мутахассислар етказиб беришга кўмаклашади.

Ўз навбатида, **Тошкентдаги Инха университети проректори Чо Во Суг** бугунги даврни “Ахборот асри”, деб ҳисоблайди. Унинг фикрича, ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида юқори малакали мутахассисларга бўлган талаб кун сайин ортиб бормоқда. Шу нуқтаи назардан, Ўзбекистон раҳбариятининг мамлакат пойтахтида Жанубий Кореядаги университет филиалини очиш тўғрисидаги қарори жуда тўғридир.

(Давоми 2-бетда).

# ФАРЗАНДЛАР КАМОЛИ — ЮРТ ИСТИҚБОЛИ



*Мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида мусиқа санъатини янада равнақ топтириш, фарзандларимизни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, иқтидорини юзага чиқаришга катта эътибор қаратиб келинаяпти. Бу ҳақда яқинда бўлиб ўтган Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Ҳомийлик кенгашининг навбатдаги йиғилишида ҳам алоҳида таъкидланди.*



### ҚАРОР ВА ИЖРО

Халқ таълими вазирлиги томонидан оммавий ахборот воситалари ходимлари учун уюштирилган медиатур республикамизда мусиқа ва санъат мактаблари фаолиятини ташкил этиш, ўғил-қизларга яратилган шарт-шароитлар ҳамда мазкур йўналишдаги сўнгги янгиликларга бағишланди. Журналистлар ушбу жараён билан пойтахтимизнинг Яккасарой туманида жойлашган 18-болалар мусиқа ва санъат мактаби мисолида танишди.

Айтиш жоизки, Юртбошимизнинг 2008 йил 8 июлдаги “Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009 — 2014 йилларга мўлжалланган Давлат дастури тўғрисида”ги қарори ижроси доирасида 136 болалар мусиқа ва санъат мактаби янгидан барпо этилди, 142 таси реконструкция қилинди ҳамда таъмирланди.

Амалга оширилган ислоҳотлар самараси ўлароқ, ана шундай илм масканларида таълим йўналишлари 13 тага етди. Бугунги кунда мусиқа ва санъат мактабларида 53 та ихтисослик бўйича сабоқ берилмоқда.

(Давоми 4-бетда).

# СОҒЛОМ ТАФАККУР — ТАРАҚҚИЁТ МЕЗОНИ

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 23 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларнинг ҳал қилувчи омили ҳақида гапириб, аввало, одамларимизнинг онгу тафаккурида рўй бераётган туб ўзгаришлар, уларнинг ён-атрофдаги воқеаларга муносабати, дахлдорлик ҳисси, сиёсий фаоллиги ва фуқаролик позицияси тобора ўсиб бораётганини алоҳида таъкидлади.

### МУШОҲАДА

Чиндан ҳам, мустақиллик йилларида эски, мафкуравий қолиплардан халос бўлдик, ўзимизни ҳамда жаҳонни қайта танидик. Янгиланган тафаккуримиз бизни демократик жамиятда яшашга, ўқишга, ишлашга ўргатди.

Айни пайтда бу борада ҳали эътибор қаратишимиз керак бўлган вазифалар мавжуд. Зеро, мамлакатимиз раҳбари яқинда бўлиб ўтган халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида: “Эски тузумдан қолган бундай оғир муаммоларни ҳал қилишнинг йўли битта: “олма пиш, оғзимга туш” деган қарашлардан бутунлай воз кечишимиз зарур. Буни замоннинг ўзи бугун бизга уқтираяпти. Содда қилиб айтганда, дунёқарашимизни, ишга, ҳаётга муносабатимизни тубдан ўзгартиришимиз лозим”, дегани бежиз эмас. Демак, ютуқлар билан бирга, бу борада бажарилиши лозим бўлган муаммолар ҳам борлигини эътиборга олишимиз даркор.

(Давоми 2-бетда).

### ХАЛҚАРО БИЗНЕС-ФОРУМ

Фарғонада “Фарғона водийсининг мева-сабзавотчилик тармоғи: экспорт салоҳияти” мавзуида халқаро бизнес-форум бўлиб ўтди.

Мазкур тадбир АҚШ Халқаро тараққиёт агентлиги (USAID)нинг минтақавий иқтисодий ҳамкорлик лойиҳаси доирасида Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, Фарғона вилояти ҳокимлиги ҳамда бошқа қатор ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилди.

## Она заминимиз неъматлари

### жаҳон бозорида ҳам харидоргир

Унда Германия, Беларусь Республикаси, Латвия, Литва каби давлатларнинг йирик савдо ташкилотлари, транспорт ва логистика хизматлари кўрсатувчи фирма ҳамда компаниялари, шунингдек, мазкур йўналишда фаолият юритаётган маҳаллий корхоналар қатнашди.

Икки кун давомида хорижлик меҳмонларга юртимизда етиштирилаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳамда уни қайта ишлаш борасидаги имкониятлар ҳақида маълумотлар берилди.

Бизнес-форум доирасида вилоят Тадбиркорлар марказида боғдорчилик ва сабзавотчилик соҳасига ихтисослаштирилган агрофирмалар, фермер хўжаликлари, деҳқон бозорлари, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан уюштирилган маҳсулотлар ярмаркаси ҳам бу борадаги ҳаётбахш ислоҳотлар самарасини яққол намоён этди.

— Дунёнинг нуфузли халқаро кўргазмаларида заминимизда етиштирилган мева-сабзавотлар юксак эътирофга сазовор бўлаяпти, — дейди Учкўприк туманидаги шифобахш гиёҳ ва чойлар ишлаб чиқарувчи “Меҳригиё” корхонаси раҳбари Маъруф Қодиров. — Айни пайтда бир қатор давлатлардаги буюртмачиларимизга ўз маҳсулотларимизни етказиб бераяпмиз. Шу билан бирга, экспорт географиясини янада кенгайтириш борасида музокаралар ҳам олиб бормоқдамиз. Ҳозир қарийб 80 турда маҳсулот тайёрлаяпмиз. Яқин кунларда улар қаторига яна 10 турдаги табиий шарбатлар қўшилади.

Таъкидлаш керакки, сўнгги йилларда юртимизда мева-сабзавот ва узум етиштириш ҳамда қайта ишлашга катта эътибор қаратилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг 2006 йил 11 январдаги “Мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасини ислоҳ қилиш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори тармоқ ривожида муҳим аҳамият касб этаётир.

(Давоми 2-бетда).

## Парламентдаги мухбирларимиз хабар қилади

## Давлат ҳокимияти органлари фаолияти очиқлиги ва ҳамкорлик самаралари



Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси томонидан давлат ҳокимияти ҳамда бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлашда оммавий ахборот воситаларининг ролига бағишланган семинар бўлиб ўтди. Унда парламент аъзолари, вазирлик ва идораларнинг ахборот хизматлари вакиллари, соҳа мутахассислари, шунингдек, олимлар қатнашди.

Анжуманда мамлакатимизда оммавий ахборот воситаларининг демократик ислоҳотлар жараёнидаги ўрни юксалиб бораётгани таъкидланди. Соҳанинг илғор демократик стандартларга мос мустаҳкам қонунчилик базаси яратилгани ОАВнинг ҳуқуқ ва ваколатларини кенгайтириш, моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, журналист касбининг ижтимоий мақоми ҳамда нуфузини юксалтиришга хизмат қилаяпти.

Бугунги кунда юртимизда бир минг тўрт юздан зиёд оммавий ахборот воситалари фаолият юритаётир. Уларнинг олтмиш фоизга яқинини нодавлат ОАВ ташкил этади. Анъанавий ахборот воситалари билан бир қаторда, интернет журналистикаси жадал ривожланаётганини кейинги беш йилнинг ўзида веб-сайтларнинг сони 2 баробар ортгани, ўтган йил якунида эса 300 дан ошиб кетгани мисолида яққол кўриш мумкин. Айни чоғда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг ахборот манбалари йилдан-йилга такомиллаштирилиб борилаётгани ҳам эътиборга моликдир.

Семинарда “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни бу борадаги ишлар кўламини кенгайтиришда муҳим ҳуқуқий асос бўлаётгани қайд этилди. Зеро, мазкур ҳуқуқий ҳужжат оммавий ахборот воситалари фаолияти самарадорлигини ошириш, муҳим ижтимоий-сиёсий масалалар юзасидан жамоатчилик фикрини шакллантириш, аҳолини ишончли ва тезкор ахборотлар билан таъминлашнинг янги имкониятларини очиб берди.

(Давоми 2-бетда).

## Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашнинг муҳим омили

Маълумки, Ўзбекистон дунёда энг мазали ва фойдали мева-сабзавотлар етиштириш борасида улкан салоҳият ҳамда имкониятга эга мамлакат ҳисобланади. Бинобарин, юртимизнинг ноёб тупроқ-иқлим шароити, республикамизда қуёшли кунлар бир йилда ўртача 320 кун бўлиши, тўрт фаслнинг изчил алмашинуви кенг турдаги юқори сифатли мева-сабзавотларни етиштириш учун қулай имкониятлар яратади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатида парламент юқори палатасининг Аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология қўмитаси томонидан ташкил этилган “Боғдорчилик, узумчилик ва сабзавотчиликка ихтисослаштирилган хўжаликларга хизматлар кўрсатиш самарадорлигини оширишнинг долзарб масалалари” мавзуидаги давра суҳбатида айнан мана шундай имкониятлардан самарали фойдаланиш омиллари муҳокама қилинди.

Парламент аъзолари, вазирлик ва идоралар, акциядорлик компаниялари масъул ходимлари, боғдорчилик, узумчилик ҳамда сабзавотчилик хўжаликлари раҳбарлари, профессор-ўқитувчилар, олимлар, жамоат ташкилотлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашган тадбирда Ўзбекистонда аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлаш, истеъмолчиларнинг талабини тўлиқ қондириш, шунингдек, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг экспорт ҳажмини ошириш масалаларига алоҳида эътибор берилаётгани таъкидланди. Соҳанинг ҳуқуқий асоси, айниқса, Ер кодекси, “Деҳқон хўжалиги тўғрисида”ги, “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги, “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”-ги қонунлар ҳамда бир қатор қонуности меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлари бу борада ҳал қилувчи аҳамият касб этаётир.



Давра суҳбатида айтиб ўтилганидек, юртимизда олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар натижасида қишлоқ хўжалигининг мева-сабзавотчилик, боғдорчилик, узумчилик ва чорвачилик каби тармоқлари ҳам жадал суръатларда ривожланаяпти.

(Давоми 2-бетда).

# Давлат ҳокимияти органлари фаолияти очиқлиги ва ҳамкорлик самаралари

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Тадбир қатнашчилари давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти очиқлиги бўйича мониторинг олиб бориш ҳамда уни баҳолаш усуллари билан таништирилди. Айтиб ўтилганидек, қонунчиликка мувофиқ жорий йилдан бошлаб давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг очиқлик бўйича вазифаларни амалга ошириш даражасини баҳоловчи "очиқлик индекси" эълон қилиб борилади. Бу жараёнда рейтинг баҳолашни ташкил этишда давлат органларининг оммавий ахборот воситалари, фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорлиги алоҳида ўринга эгадир.

Семинарда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг очиқлигини таъминлашда ахборот хизматларининг роли ҳамда уларнинг оммавий ахборот воситалари билан алоқаларини мустаҳкамлашнинг муҳим жиҳатлари, мамлакатимизда амалга оширилаётган сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлардан аҳолининг хабардорлигини оширишда журналистларнинг ўрнига доир маърузалар тингланди.

Иштирокчилар аҳолини давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти билан таништириб боришда ОАВ ишининг самарадорлигини юксалтиришга қаратилган янги услублар билан танишиш баробарида, етакчи оммавий ахборот воситаларининг давлат идоралари билан ҳамкорлиги бўйича ўзаро тажриба алмашдилар.

Якунда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги ҳамда ошкоралигини таъминлашга доир тегишли тавсиялар қабул қилинди.

**Зиёда АШУРОВА.**

# Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашнинг муҳим омили

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Бунда озиқ-овқат маҳсулотларини кўпайтириш мақсадида охирги йилларда сабзавотлар, картошка, полиз экинларининг юқори сифатли, касалликка чидамли ҳамда серҳосил уруғларини жорий этиш чоралари кўрилгани, интенсив боғлар ва узумзорлар яратилгани ҳамда боғ ва токзорларда фаннинг ишлаб чиқариш билан интеграциялашувини чуқурлаштиришга доир аниқ мақсадли ишлар ҳам олиб борилгани муҳим аҳамиятга эга. Айни пайтда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ва инфратузилмани ривожлантириш, ҳосилни сақлаш, ички истеъмол бозорини бойитиш, аҳолини, энг аввало, қиш-баҳор фаслида мева-сабзавот маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлаш ҳамда унинг экспорт қилинишини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Натижада биргина ўтган йилнинг ўзида 12 миллион 592 минг тонна сабзавот ва картошка, 1 миллион 850 минг тонна полиз маҳсулотлари, 1 миллион 556 минг тонна узум, 2 миллион 731 минг тонна мева етиштирилди.

Ўз навбатида, қишлоқ хўжалиги хом ашёсини чуқур қайта ишлаш, етиштирилган маҳсулотларни сақлаш инфратузилмасини ривожлантириш доимий эътибордадир. Мисол учун, ўтган йили қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлайдиган 230 та корхона, 77 минг 800 тонна сиғимга эга бўлган 114 та янги совитиш камераси ташкил этилди ва модернизация қилинди. Мамлакатимизда мева-сабзавотларни сақлашнинг умумий қуввати 832 минг тоннага етказилди. Бу эса, йил давомида нархларнинг мавсумий кескин ошиб кетишига йўл қўймасдан, аҳолини асосий турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлаш, ушбу маҳсулотларнинг экспортини кенгайтириш, нарх-наво барқарорлигини сақлаш имконини бермоқда.

— Юртимизда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ислоҳ қилишнинг асосий негизини кенг кўламли ташкилий-ҳуқуқий, институционал ўзгаришлар ташкил этди, — деди Олий Мажлис Сенати Аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология қўмитаси раисининг ўринбосари Б. Тажиев. — Бу ислоҳотлар мамлакатимизда озиқ-овқат мустақиллиги ва хавфсизлигини таъминлаш имконини берди. Шу билан бирга, бугунги глобаллашув шароитида республикамизнинг ушбу йўналишдаги имкониятларидан янада унумли фойдаланиш, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг экспорт салоҳиятини изчил ошириб бориш кун тартибига қўйилмоқда. Бинобарин, давлатимиз раҳбарининг мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузасида алоҳида қайд этилганидек, замонавий технологиялар асосида пахта толасини ҳамда мева-сабзавот маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш ташқи ва ички бозорда талаб юқори бўлган тайёр, экологик тоза тўқимачилик ҳамда енгил саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини 2030 йилда 5,6 марта, мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш ҳажмини эса 5,7 карра ошириш имконини беради. Табиийки, ушбу мақсадларга эришиш мамлакатимиз аграр соҳа вакиллари, илмий доиралари, шунингдек, парламент аъзолари олдига долзарб вазифаларни қўяди. Фермер хўжаликлари, агросаноат корхоналари фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва уларни рағбатлантириш мақсадида тегишли ҳуқуқий асосларни такомиллаштириш, амалдаги қонун ҳужжатлари ижроси устидан парламент назоратини кучайтириш айни муддаодир.

Давра суҳбатида боғдорчилик, узумчилик ва сабзавотчиликни янада ривожлантириш, соҳадаги шартномавий муносабатларнинг мониторингини олиб бориш, фан ҳамда ишлаб чиқариш ҳамкорлигини чуқурлаштириш, тармоқнинг экспорт салоҳиятидан самарали фойдаланиш юзасидан таклиф ва тавсиялар билдирилди.

**Қобил ХИДИРОВ.**

**АНЖУМАН**

Стандартлаштириш, метрология, сертификатлаштириш, сифатни бошқариш тизими бўйича халқаро андозаларни қўллаш асосида маҳсулотлар сифати ва рақобатдошлигини ошириш "Ўзстандарт" агентлиги фаолиятида муҳим ўрин тутади. Ушбу омилларнинг ҳаётга самарали татбиқ этилиши натижасида дунё бозорида мамлакатимизда тайёрланаётган маҳсулотларга бўлган талаб тобора ортиб бораётир.

# Халқаро андозалар асосида

Бу ҳақда Миллий матбуот марказида "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида"ги Қонун ижроси бўйича агентлик томонидан амалга оширилаётган ишлар ҳамда соҳа истиқболларига бағишлаб ўтказилган анжуманда сўз юритилди.

Таъкидланганидек, агентликда тадбиркорлик субъектларига қулайлик яратиш, фуқаролар мурожаатлари билан бевосита ишлаш мақсадида 13 турдаги интерактив хизмат, жумладан, Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали ўлчаш воситаларини қиёслаш учун ариза қабул қилиш, стандарт намуналарини, ўлчашларни бажариш услубиётларини метрологик аттестация қилиш ва бошқа турдаги хизматлар йўлга қўйилди.

Сўнгги ойларда ушбу хизматлар орқали биргина Метрология хизматлари кўрсатиш марказига 73 та ёзма ва оғзаки мурожаат келиб тушган бўлиб, уларнинг барчаси ижобий ҳал қилинган.

Анжуманда пойтахтимизнинг Бектемир, Юнусобод, Чилонзор туманлари ҳамда вилоятларнинг чекка туманларида Метрология хизматлари кўрсатиш маркази филиаллари ҳамда 15 та мобиль кўчма лаборатория фаолият юритаётгани газ, сув ва электр энергия ҳисоблагичларини қиёслашда аҳолига қўшимча қулайлик яратаётгани, стандартлаштириш соҳасидаги тегишли меъёрий ҳужжатларга ўзгартишлар киритилиши туфайли ҳужжатларни экспертизадан ўтказиш муддатлари 15 кундан 10 кунгача, рўйхатдан ўтказиш эса уч кунга қисқаргани қайд этилди.

Тадбирда жорий йилда амалга оширилиши режалаштирилаётган ишлар ҳақида ҳам батафсил маълумотлар берилди.

**Раҳим ШЕРҚУЛОВ.**

# Она заминимиз неъматлари

## жаҳон бозорида ҳам харидоргир

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Бугунги кунда тадқиқотчи олимларимиз томонидан уларнинг янги, серҳосил навларини яратиш, соҳага илғор технологияларни жорий қилиш, экспорт ҳажмини ошириш борасида ибратли ишлар бажарилмоқда. Биргина ўтган йили Фарғона вилоятида 414 минг тонна мева, 783 минг тонна сабзавот, 277 минг тонна картошка, 71 минг тонна полиз неъматлари, 113 минг тонна узум етиштирилди. Вилоят эҳтиёжидан ортган 120 миллион долларлик маҳсулот жаҳоннинг 80 дан ортиқ давлатларига сотилди.

— Мазкур форумга водий тажрибасини ўрганиш, қолаверса, халқаро миқёсда ҳамкорлик келишувларига эришиш мақсадида Хоразмдан келдим, — дейди "Баҳром" фермер хўжалиги ва "Юқорибоғ неъматлари" агрофирмаси раҳбари М. Раҳмонов. — Биргина Урганч туманининг ўзида 10 минг гектарга яқин боғлар бор. Маҳсулотларимизни экспорт қилиш имкониятларини кенгайтиришда бу ерда орттирилган тажриба қўл келади.

Айни пайтда Фарғона вилоятида қарийб 50 минг гектар боғ мавжуд. Шунингдек, 8 минг 840 та иссиқхонадан қиш мавсумида мўл ҳосил олинаяпти. Қолаверса, ҳудудда умумий сиғими 51,8 минг тоннага тенг 180 та замонавий музлаткичли омборхона барпо этилди.

— Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги неъматларини хорижга жўнатиш соҳасида жуда катта салоҳиятга эга, — дейди USAIDнинг Марказий Осиё бўйича минтақавий бюроси директори Жорж Декун. — Энг аввало, бу мамлакатингизда етиштирилаётган озиқ-овқат маҳсулотларининг юқори сифати, мазали таъми ва фойдали хусусиятлари билан боғлиқ. Мазкур анжуман ўзбек миришкорларининг ташқи бозорларга кириб боришини янада жадаллаштиришга хизмат қилади.

— Серқуёш ўлкангизда етиштирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари Болтиқбўйи мамлакатларида жуда ҳам харидоргир, — дейди форум иштирокчиларидан бири, Латвиянинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Эдгарс Бондарс. — Шу билан бирга, юртингиз ноз-неъматларини Латвия бандаргоҳлари орқали Европа бозорларига олиб чиқиш борасида беқиёс имкониятлар мавжуд. Айни соҳада ҳамкорликда улкан ютуқларга эришишимиз мумкин.

Халқаро бизнес-форум доирасида ўзаро тажриба алмашилди ҳамда якунда ўзаро манфаатли шартномалар имзоланди.

**Набижон СОБИРОВ.**

# «Ўзбекистонда замонавий фикрлайдиган ва рақобатлашишга қодир бўлган ёшлар тарбияланмоқда»

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

— Маълумки, Инха университети ахборот-коммуникация технологиялари ва инжиниринг соҳаларида халқаро мезонлар даражасида юқори малакали мутахассисларни тайёрлайдиган етакчи олий ўқув юртларидан биридир, — деди Чо Во Суг. — Унинг Тошкент филиалида Корея Республикасидаги асосий университетда бўлгани каби замонавий услублар қўлланиладиган ўқув дастурлари бўйича таҳсил йўлга қўйилган. Улар халқаро андозаларга тўла мосдир. Мутахассисликка оид асосий фанлар хорижлик профессорлар томонидан ўқитилади. Ўқув жараёни инглиз тилида олиб борилади.

Университет энг замонавий ўқув хоналари ва асбоб-ускуналар билан жиҳозланган. Физика бўйича махсус лаборатория Корея Республикасидан олиб келинган. Ҳамма қаватларга Wi-Fi тармоғи ўрнатилган. Олий ўқув юртида етакчи мутахассислар ва ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида фаолият кўрсатадиган компаниялар вакиллари билан учрашувлар тез-тез ташкил этилади. Бундай тадбирлар ишлаб чиқариш ҳамда ўқув жараёни интеграциясини таъминлаши билан бирга, талабаларга индустриянинг сўнгги янгиликларидан хабардор бўлишларига кўмаклашади.

Чо Во Суг ҳозирги пайтда Тошкентдаги Инха университетида янги ўқув биноси қурилиши устида иш олиб борилаётганини ҳам маълум қилди. У ерда 500 кишига мўлжалланган конференция зали, 200 ўринли аудитория, бир неча янги ўқув хонаси ва лаборатория жойлашади. Шунингдек, таҳсил жараёнида масофадан туриб таълим бериш ва "FLIP Learning" сингари ўқитиш услубларини қўллаш ҳам режалаштирилмоқда.

— Умуман олганда, Ўзбекистонда замонавий фикрлайдиган ва рақобатлашишга қодир бўлган ёшлар тарбияланмоқда, — деди Тошкентдаги Инха университети проректори. — Бу йўналишда кенг қамровли ислоҳотлар ҳаётга изчил татбиқ этилаётгани алоҳида эътиборга сазовордир.

**«Жаҳон» АА.**
Сеул

# СОҒЛОМ ТАФАККУР — ТАРАҚҚИЁТ МЕЗОНИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Тафаккур — инсон ақл-заковати, унинг воқеа-ҳодисалар ичида адашиб кетмаслиги учун йўл кўрсатувчи машъала. Шунинг учун ҳам юртимизда фуқаролар, айниқса, ёшлар онгу тафаккурини шакллантиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Аммо шу ўринда муҳим бир масала борки, уни тушунмасдан туриб муайян мақсадга эришиш мумкин эмас. Бу инсон тафаккурини ислоҳ этиш билан боғлиқ масаладир. Назаримизда, тафаккурни ўзгартириш учун жамиятда муайян шарт-шароитлар мавжудлиги, жамият, сиёсий ҳокимият ўз фуқароларида тафаккур ўзгаришларини амалга оширишдан манфаатдор эканлиги муҳим аҳамиятга эга.



Агар ушбу жиҳатга қаралса, бир қолипдаги мафкурадан воз кечиш, ёшларимизнинг сиёсий фаоллиги, ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, дунёқарашини ўзгартириш аслида мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ мамлакатимиздаги устувор вазифалардан бирига айланганига амин бўламиз. "Таълим тўғрисида"ги Қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, ёшларга оид давлат дастурларининг тайёрланиши, ижтимоий-гуманитар фанларнинг ислоҳ этилиши — буларнинг барчаси, аслида, ёшларимиз дунёқарашини ўзгартириш йўлидаги дадил қадамлардир.

Президентимиз тафаккур ўзгаришларини фуқаролар, айниқса, ёшларимизнинг давлат сиёсати, олдимизга қўйган вазифаларимизни қай даражада англаши билан боғлиқлигига урғу беради. Дарҳақиқат, эртамиз эгаларининг сиёсий, ғоявий-мафкуравий билим савияси тобора ўсиб бормоқда. Улар Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясини нафақат англаб етмоқдалар, айни пайтда, давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш, фуқаролик жамиятини барпо этиш, суд-ҳуқуқ, ахборот соҳасини ислоҳ қилишда фаол иштирокчига айландилар. Чунки мустақиллик йилларида навқирон авлод вакилларига катта имкониятлар яратилди. Иқтидорли, истеъдодли йигит-қизларни кашф этиш, рағбатлантиришнинг изчил механизми шаклланди. Натижада истиқлол фарзандлари дунёнинг кўплаб мамлакатларида ташкил этилаётган фан олимпиадалари, илмий анжуманларда ғолибликни қўлга киритмоқдалар. Хориж давлатлари Ўзбекистонни ана шундай қобилиятли ёшлари орқали танийдиган даврга етиб келдик.

Юртбошимиз "Цивилизациялар бўм-бўш жойда пайдо бўлмайди", деб бот-бот такрорлайдилар. Миллий тарихимизга мурожаат қилсак, бунинг тасдиғини кўрамиз. IX-XV асрлардаги Шарқ Уйғониш даври бекорга вужудга келгани йўқ. Унинг илдизларини минг-минг йиллар давомида шаклланган халқимизнинг тафаккур тарзидан излаш жоиз.

Айни шундай, ўтган асрнинг 80-йиллари сўнгида, аниқроғи, 1989 йилдан юртимизда навбатдаги уйғониш даври бошланганлигини, унинг натижалари бугун ўзининг бўй-бастини кўрсатаётганини сезмаслик мумкин эмас. Хўш, бу нималарда намоён бўлмоқда? Энг аввало, улар ёшларимизнинг тафаккур тарзи, дунёқараши кенгайишида, соғлом маънавий эҳтиёжларининг пайдо бўлишида, иқтидорли, истеъдодли йигит-қизларимизда илм-фан соҳасидаги синчковлик, баҳс-мунозарага чанқоқликда кўзга ташланаяпти.

Мустақилликнинг илк кунлариданоқ ҳали жамиятда муайян беқарорлик ҳукм сураётган, одамлар ижтимоий кайфиятидаги тушкунлик ҳолатлари кучайиб турган бир пайтда давлатимиз раҳбари мазкур салбий кўринишларни бартараф қилишнинг ягона йўли кишилар тафаккурини ўзгартиришдан иборатлигини таъкидлади. Бунинг учун, аввало, таълимни ислоҳ қилиш лозим эди. Ўшанда амалга оширилиши керак бўлган ислоҳотлар туфайли ижобий маънодаги "портлаш эффекти"га эришиш истаги юзага келганди. Мана, бугун ўша натижага эришмоқдамиз. Бу ҳолат таълим соҳасига бағишлаб 2012 йилда Тошкентда ўтказилган, 2014 йил Самарқандда ташкил қилинган ўрта аср Шарқ алломаларининг замонавий цивилизацияга қўшган ҳиссасига бағишланган халқаро конференцияларда дунёнинг етук экспертлари, олим-мутахассислари томонидан эътироф этилди.

Тафаккурни ислоҳ қилиш орқали эса инсон ўзини англайди. Ахир бу дунёдаги энг оғир вазифа айни шу эканлиги бежиз билдирилмаган. Ҳар бир инсоннинг тафаккур тарзи кўп омиллар натижасида кенгайса-да, айни пайтда бу жараёнда тарихнинг ўрни беқиёсдир. Бу, айниқса, ўзбеклар, ўзбекистонликлар учун ўта муҳим аҳамиятга эга. Зеро, халқимиз мустабид тузум зуғумларини ҳали унутгани йўқ.

Собиқ тузум ёшлар тафаккур тарзининг кенгайишидан мутлақо манфаатдор эмас эди. Шунинг учун ҳам навқирон авлод ташаббуслари рағбатлантирилмас, уларнинг ижтимоий фаоллиги, сиёсий-ҳуқуқий билим савиясини оширишга қаратилган ҳар қандай ҳаракат "бошқача" баҳоланар эди. Таъбир жоиз бўлса, Ўзбекистон мустабид тузум даврида "ёпиқ" республика эди. Бундай ёпиқлик эса, энг аввало, ёшлар, улар дунёқарашида ўз аксини кўрсатди. Шу ўринда мамлакатимиз раҳбарининг қуйидаги сўзларини келтиришни жоиз, деб биламиз:

> "Кўп йиллар давомида жамият (совет жамияти назарда тутилмоқда — муаллиф) ёшларнинг ғаройиботларга қизиқиш, жасоратга интилиш, қийин шароитларда ўзини синаб кўришга тайёрлик каби хусусиятларидан фойдаланиб келди-ю, аммо ёшларнинг энг зарур ҳаётий масалаларини ҳал этмади. Натижада кўпгина ёшларда ижтимоий ҳимоясизлик, ҳеч кимга ишонмаслик, келажакдан умидсизлик туйғуси ўрнашиб қолди, жиноятчилик кўпайди.
>
> Ёшларга фақат ҳақиқатни гапириш керак. Қуруқ сўзлар, сафсаталар уларнинг меъдасига теккан. Ёшларнинг ижтимоий адолатга бўлган ишончини тиклаш вазифаси биз учун жуда муҳимдир" *( И. Каримов. "Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида". Тошкент, 2011. 217-бет)*.

Мазкур сўзлар ҳали мустақилликка эришилмаган даврда, 1990 йил 5 июнда айтилганига эътибор берайлик. Юртбошимиз бу орқали икки муҳим жиҳатга диққатимизни тортган: биринчидан, ёшларга фақат ҳақиқатни гапириш кераклиги, иккинчидан, уларнинг ижтимоий адолатга бўлган ишончини тиклаш лозимлиги. Бошқача айтганда, илгари ёшлар, чин маънода, ҳақиқатни билишмади. Акс ҳолда, улар юртимиз қадим-қадимдан жаҳон цивилизациясининг муҳим ўчоқларидан бири бўлганлигини, мамлакатимиз ҳудудида тамаддунлар эволюцияси ворисийлик тамойилига эга эканлигини, совет адабиётларида таъкидлангани каби халқимиз октябрь тўнтаришигача ёппасига саводсиз бўлган, деган ақидалар бўҳтондан иборатлигини, шўро мафкурачиларининг "сохта назариялари" асосида гўёки Ўзбекистонда давлатчилик тарихи 1924 йилдан бошланган, деган "эртаклари"га ишонмаган, аксинча, уч минг йилдан ортиқроқ буюк давлатчилик тарихига эга халқ эканлигимизни билган бўлардилар.

Ижтимоий адолат ҳар қандай жамиятнинг бардавомлигини таъминлайдиган ҳолат. Ўзбекистонда бу нарса тараққиётнинг амалда ўзини оқлаган, ёруғ истиқболимизни белгилаб берган юксалиш йўли — "ўзбек модели"да ўз ифодасини топган. Ҳозирги ёшларимизнинг тафаккур тарзи шу модель орқали шаклланмоқда. Чунки у узоқ ва яқин давлатларда дабдурустдан, шошмашошарлик билан қабул қилинаётган "дастурлар", "таълимотлар"дан тубдан фарқ қилади. Ушбу модель ўзининг чуқур илмий асосланганлиги, халқимиз ва мамлакатимизнинг ўзига хос жиҳатлари, хусусиятлари эътиборга олинган ҳолда ишлаб чиқилганлиги ва албатта, ҳаётийлиги билан ажралиб туради.

Халқимизда ҳар қандай муваффақиятнинг асоси тўғри танланган мақсадга ва унга олиб борадиган йўлга боғлиқ, деб бежиз айтилмайди. Ҳақиқатан ҳам, мақсаднинг тўғри қўйилишига кўп нарса боғлиқ. Шу ўринда совет даврига хос бир ҳолатни эслаб кўрайлик. Ўша пайтда ёшлар, улар ота-онасига "Фарзандингизни нега фалон институтга ўқишга қўйдингиз?" деган саволга фарзанд ҳам, унинг ота-оналари ҳам "Диплом керак бўлиб қолар!" деган жавобни берар эдилар.

Энди-чи? Энди ҳозирги ёшларимиз учун диплом асосий мақсад эмас. Мақсад — Ватан тараққиётига ҳисса қўшиш, ўзининг "Мен"ини топиш, ўз иқтидорию истеъдодини намойиш этиш, теварак-атрофда содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларнинг шунчаки кузатувчиси эмас, аксинча, унинг фаол иштирокчисига айланишдир. Ана шу мақсад бугунги ўзбек ёшларининг тафаккури тарзини ўзгартириш, ислоҳ қилиш, унда миллий ва умумжаҳон манфаатлари уйғунлигига эришган ҳолда эврилишлар содир этишга ундайдиган бебаҳо куч-қудратдир.

Ёшлар тафаккур тарзини ўзгартиришга кўмак берадиган мақсад уларни маънавий боқимандаликдан халос этади. Бошқача айтганда, бугунги ёшлар нафақат ўтмиш алломаларимиз ва мутафаккирларимиз томонидан яратилган, кашф этилган илмий-маърифий меросининг оддий истеъмолчиси, балки улардан кучли маънавий-руҳий қувват олиб, уларнинг буюк ишларини давом эттирувчилардир.

Бугун мамлакатимизда барча соҳадаги ислоҳотлар ривожи, уларнинг кундан-кунга кучайиб бориши, шубҳасиз, тафаккурдаги янгиланишларнинг мевасидир. Бинобарин, янгича тафаккур инсондан фақат маълум қолипларга таяниш амалиётидан воз кечишни, Ватан, миллат манфаатларини ўзининг манфаати билан уйғунлаштиришни талаб этади.

Бу мураккаб, аммо зарур жараён.

**Абдухалил МАВРУЛОВ,**
**тарих фанлари доктори,**
**профессор.**

NBU

## Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки Тошкент шаҳар бош бошқармаси

**бош бошқарманинг капитал қурилиш бўйича 1 тоифали муҳандиси лавозимига ишга таклиф қилади.**

***Номзодлар қуйидаги талабларга жавоб бериши керак:***

* *муҳандис-қурувчи мутахассислиги бўйича олий маълумотга эга бўлиши;*
* *муҳандис-қурувчи мутахассислиги бўйича 5 йиллик меҳнат стажига эга бўлиши;*
* *рус ва ўзбек тилларида эркин сўзлаша олиши;*
* *компьютер саводхонлигига эга бўлиши;*
* *Тошкент шаҳрида доимий пропискага эга бўлиши лозим.*

**Қўшимча маълумот учун манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Тарас Шевченко кўчаси, 34-уй.
Телефонлар: (0-371) 140-95-00, 140-95-05.**
***Мурожаат учун шахс — Ҳусан Сатторов.***

Хизматлар лицензияланган.

352R/115

## «KO‘P TARMOQLI KO‘CHMAS MULK SAVDO» МЧЖ

**бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.**

Аукцион савдосига Тошкент шаҳар Учтепа тумани СИБ томонидан 2015 йил 18 августдаги 10-1508/13801-сонли ижро варақасига асосан хатланган қуйидаги кўчмас мулклар қўйилмоқда:

**1.** Тошкент шаҳри, Сергели тумани, Сергели 6-мавзеси, Янги Сергели кўчаси, 3-уй, Автомажмуа ҳудуди, 4/4-қаторда жойлашган, умумий майдони 18,0 кв.м., фойдаланиш майдони 15,49 кв.м.дан иборат бўлган 24-сонли савдо дўкони.

***Бошланғич баҳоси — 71 669 000 сўм.***

**2.** Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Абдурауф Фитрат кўчаси, 18/1-уйда жойлашган, умумий майдони 38,0 кв.м., фойдаланиш майдони 33,07 кв.м. бўлган макулатура қабул қилиш пункти омборхонаси биноси.

***Бошланғич баҳоси — 16 586 000 сўм.***

Аукцион савдоси 2016 йил 31 март куни соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уй, 311-хонада бўлиб ўтади.

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини «Ko‘p tarmoqli ko‘chmas mulk savdo» МЧЖнинг АТИБ «Ипотека-банк» Шайхонтоҳур филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000104931635001, МФО: 00425, СТИР: 207128747, ОКОНХ: 83400.

Аукцион савдосига қўйилган кўчмас мулклар билан тегишли туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатлар соат 9.30 дан 17.00 гача қабул қилинади ва аукцион савдоси ўтказилишига бир иш куни қолганда соат 17.00 да тўхтатилади.

**Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уй, 311-хона.
Телефонлар: (0-371) 249-54-59, 249-53-61.**

Хизматлар лицензияланган.

353R/6

## «CAPITAL REALTOR GROUP» МЧЖ

***очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.***

«Capital realtor group» МЧЖда 2016 йил 22 март куни соат 11.00 да объект бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган аукцион савдосига қуйидаги кўчмас мулклар такроран қўйилмоқда:

**I.** Юнусобод тумани СИБ томонидан 2011 йил 1 июндаги 1-2736/11-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, 13-мавзеда жойлашган:

**1.** Умумий майдони 2100 кв.м. бўлган, қурилиши тугалланмаган кўп қаватли уй (блок Б ва В).

***Бошланғич баҳоси — 1 859 317 000 сўм.***

**2.** Умумий майдони 2700 кв.м. бўлган, қурилиши тугалланмаган кўп қаватли уй (блок А).

***Бошланғич баҳоси — 1 796 349 000 сўм.***

**II.** Юнусобод тумани СИБ томонидан 2015 йил 26 октябрдаги 1-271/15-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, 2-мавзе, 37-уй, 8-хонадонда жойлашган, умумий майдони 39,82 кв.м., тураржой майдони 17,93 кв.м. бўлган уй-жой.

***Бошланғич баҳоси — 130 746 403 сўм.***

2016 йил 5 апрель куни соат 11.00 да бўлиб ўтадиган очиқ аукцион савдосига Юнусобод тумани СИБ томонидан қуйидаги кўчмас мулклар қўйилмоқда:

**1.** 2015 йил 9 октябрдаги 1-424/15-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Электрокабель кўчаси, 1-«Б» уй, 24-хонадонда жойлашган, умумий майдони 62,52 кв.м., тураржой майдони 32,49 кв.м. бўлган уй-жой.

***Бошланғич баҳоси — 116 094 000 сўм.***

**2.** 2015 йил 19 ноябрдаги 1-5818/15-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Қамарнисо кўчаси, 1-уй, 65-хонадонда жойлашган, умумий майдони 200,60 кв.м., тураржой майдони 95,65 кв.м. бўлган уй-жой.

***Бошланғич баҳоси — 195 000 000 сўм.***

Юқоридаги кўчмас мулклар билан тегишли туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 17.00 гача қабул қилинади ва савдо бошланишига бир иш куни қолганда соат 16.00 да тўхтатилади. Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар кўчмас мулк бошланғич баҳосининг 20 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда «Capital realtor group» МЧЖнинг АТ «Капиталбанк» Мирзо Улуғбек филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000204927571003, МФО: 01018, СТИР: 207126662.

**Манзил: Тошкент шаҳри, Қушбеги кўчаси, 18-уй.
Телефон: (0-371) 250-19-24.**

Хизматлар лицензияланган.

349R/34

## «Universal realtor» МЧЖ

**бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.**

Аукцион савдосига Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек тумани СИБ томонидан 2012 йил 5 апрелдаги 11338-39/8/25/12-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Сирдарё кўчаси, 45-уйда жойлашган, умумий майдони 330 кв.м. бўлган, 5 та яшаш хонаси ва 4 та ёрдамчи хонадан иборат кўчмас мулк такроран қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 184 214 000 сўм.***

Аукцион савдоси 2016 йил 14 март куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Талабгорлардан аризаларни қабул қилиш 2016 йил 11 март куни соат 11.00 да тўхтатилади.

Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан «Закалат пули тўғрисидаги келишув»ни имзолагандан сўнг объект бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Universal realtor» МЧЖнинг АТ «Капиталбанк» Тошкент шаҳар филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000104975228001, МФО: 00445, СТИР: 302269399.

Кўчмас мулк билан тегишли туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион ғолиби аукцион натижалари тўғрисидаги баённома имзоланган кундан бошлаб 5 банк куни ичида аукционда сотиб олинган кўчмас мулк ҳақини тўлиқ тўлаши лозим.

Хизматлар лицензияланган.

**Қўшимча маълумот олиш манзили: 100047, Тошкент шаҳри, Истиқбол кўчаси, 15-уй. Телефон: (0-371) 150-35-55.**

344A/609

## «REAL ESTATE BUSINESS» МЧЖ

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаментининг Бухоро вилояти ҳудудий бошқармаси Суд ижрочилари Бухоро шаҳар бўлимининг 2016 йил 23 февралдаги 01-03/29371/73-сонли буюртма хатига асосан, бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.**

Аукцион савдосига 2015 йил 10 июлдаги И-2945/Bsh 2015-сонли ижро варақасига асосан ундирувга қаратилган, Бухоро вилояти, Когон тумани, Баҳоуддин Нақшбанд номидаги ҚФЙ, Киракашхона қишлоғида жойлашган, ер майдони 1,146 гектар, қурилиш майдони 399,3 кв.м., фойдаланиш майдони 240,5 кв.м.дан иборат бўлган ишлаб чиқариш цехи қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 80 000 000 (саксон миллион) сўм.***

Аукцион савдоси 2016 йил 5 апрель куни соат 16.00 да Бухоро шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 10-уй, 4-қават, 407-хонада бўлиб ўтади.

***Талабгорлар диққатига!***

Аукцион савдосида иштирок этиш учун буюртманомалар иш кунлари (байрам ва дам олиш кунларидан ташқари) 2016 йил 4 апрель куни соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти).

Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлар аукцион ташкилотчиси билан тузиладиган закалат пули тўғрисидаги келишув шартномасига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 20 фоизи миқдоридаги закалат пулини тўлашлари ҳамда жисмоний шахслардан паспорт нусхаси, юридик шахслардан давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома, устав нусхаси ва савдода қатнашувчи ишончли вакил учун тасдиқланган ишончномани тақдим этишлари сўралади.

Аукцион савдоси ғолибига сотиб олинган мулк қийматини 5 банк куни мобайнида 100 фоиз тўлаш мажбурияти юклатилади.

**Закалат тўлови учун реквизитлар:** «Real estate business» МЧЖ, ҳ/р: 20208000000485440001, АТБ «Қишлоқ қурилиш банк» Бухоро вилояти минтақавий филиали, МФО: 00115, СТИР: 303391629, ОКОНХ: 83200.

**Буюртманомаларни қабул қилиш ёки объект билан танишиш ҳамда қўшимча маълумот учун аукцион ташкилотчиси — «Real estate business» МЧЖга қуйидаги манзил бўйича мурожаат этиш мумкин: 200100, Бухоро шаҳри, Ҳамза кўчаси, 7-«А» уй.
Телефонлар: (0-365) 221-52-82, (+99890) 383-84-80, (+99893) 383-00-17.**

Хизматлар лицензияланган.

351R/154

## «NEW TRANS ALLIANCE» МЧЖ

**бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.**

2016 йил 30 март куни соат 11.00 да бўлиб ўтадиган аукцион савдосига Тошкент вилояти Оққўрғон тумани СИБ томонидан қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда:

* 2011 йил 27 майдаги № 3699, 3076-сонли ижро варақаларига асосан хатланган, «Magnum» русумли, соз ҳолда.

***Бошланғич баҳоси — 65 339 100 сўм.***

* 1-100-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 1981 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 A 883 HA бўлган, техник носоз, «Москвич-412» русумли.

***Бошланғич баҳоси — 531 000 сўм.***

* 3076-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 1991 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 11 AK 868 бўлган, техник носоз, «УАЗ-3303» русумли.

***Бошланғич баҳоси — 1 675 800 сўм.***

* 2-889-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 1992 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами X 737 ALN бўлган, техник носоз, «Opel vectra» русумли.

***Бошланғич баҳоси — 6 547 799,01 сўм.***

* 3076-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 1980 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 11 AK 861 бўлган, техник носоз, «ГАЗ-52-04» русумли.

***Бошланғич баҳоси — 2 536 200 сўм.***

* 1-100-сонли ижро варақасига асосан хатланган, давлат рақами 11 C 4525 бўлган, техник носоз, «ГАЗ-53» русумли.

***Бошланғич баҳоси — 8 979 300 сўм.***

* 3076-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 1990 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 11 AK 860 бўлган, техник носоз, «ГАЗ-52-01» русумли.

***Бошланғич баҳоси — 2 518 200 сўм.***

* 3076-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 1989 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 11 AK 871 бўлган, техник носоз, «ГАЗ-53» русумли.

***Бошланғич баҳоси — 4 390 200 сўм.***

* 1-201-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 1998 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 O 908 EA бўлган, техник носоз, «Damas» русумли.

***Бошланғич баҳоси — 10 663 330,86 сўм.***

Аукцион савдосига Тошкент вилояти Пискент тумани СИБ томонидан 2014 йил 14 майдаги 11/01-274-сонли ижро варақасига асосан хатланган қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда:

* 1986 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 G 322 DA бўлган, «ВАЗ-2103» русумли.

***Бошланғич баҳоси — 5 034 847,28 сўм.***

* 1983 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 M 485 DA бўлган, «ВАЗ-21013» русумли.

***Бошланғич баҳоси — 2 315 158,64 сўм.***

Аукцион савдосига Тошкент вилояти Оҳангарон тумани СИБ томонидан 2015 йил 15 октябрдаги 2845/2015-15-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 2009 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 L 945 FA бўлган, «ГБА «Damas» русумли автотранспорт воситаси қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 22 000 000 сўм.***

Шунингдек, 2016 йил 15 март куни бўлиб ўтадиган аукцион савдосига Тошкент вилояти Зангиота тумани СИБ томонидан 25113/18-сонли ижро варақасига асосан хатланган қуйидаги автотранспорт воситалари такроран қўйилмоқда:

* 2011 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 L 119 TA бўлган, «Nexia-150» русумли.

***Бошланғич баҳоси — 35 045 590 сўм.***

* 381/3-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 2010 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 N 899 NA бўлган, техник носоз, «ГБА СПГ Lacetti» русумли.

***Бошланғич баҳоси — 43 256 738 сўм.***

* 25117/18-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 2011 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 T 248 KA бўлган, «Matiz best» русумли.

***Бошланғич баҳоси — 12 964 000 сўм.***

Аукцион савдолари Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10-уйда бўлиб ўтади.

Юқоридаги автотранспорт воситалари билан тегишли туман суд ижрочилари бўлими вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар ҳар куни (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади ва савдолар бошланишига бир иш куни қолганда соат 16.00 да тўхтатилади.

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар автотранспорт воситаси бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, ҳар бир автотранспорт воситаси учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси — «New trans alliance» МЧЖнинг «Asia alliance bank» АТБ Мирзо Улуғбек тумани филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904887305001, МФО: 01103, СТИР: 301829604.

Аукцион ғолиби сотиб олган автотранспорт воситаси қийматини 5 банк куни мобайнида тўлиқ тўлаши шарт.

**Манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10-уй.
Телефон: (+99895) 504-99-85.**

Гувоҳнома № 004593.

350R/425

## «REAL AUKSION» МЧЖ

**бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.**

**1.** Аукцион савдосига Тошкент вилояти Янгийўл тумани суд ижрочилари бўлими томонидан 2015 йил 25 мартдаги 1-1108/14-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Янгийўл тумани, «Халқобод» ҚФЙ, «Apex Tech Trading» МЧЖ ҳудудида сақланаётган, «Apex Tech Trading» МЧЖга тегишли, сабзавотларни қайта ишлаш ускунаси такроран қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 1 965 312 061,47 сўм.***

**2.** Аукцион савдосига Тошкент вилояти Янгийўл тумани суд ижрочилари бўлими томонидан Зангиота туманлараро судининг 2015 йил 24 августдаги ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Янгийўл тумани, Лаззат кўчаси, 1-«А» уйда сақланаётган, «Кроно инвест» МЧЖга тегишли, қоғозли конус ишлаб чиқарадиган «DCW» русумли асбоб-ускуналар такроран қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 150 000 000 сўм.***

Аукцион савдоси 2016 йил 17 март куни соат 11.00 да ўтказилади.

**3.** Аукцион савдосига Тошкент вилояти Ўрта Чирчиқ тумани суд ижрочилари бўлими томонидан 2015 йил 18 августдаги 1-267-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Ўрта Чирчиқ тумани, «Анор» ҚФЙда сақланаётган, «Шоҳжаҳон Фашион» МЧЖга тегишли, кетчуп, майонез ишлаб чиқарадиган (нержавейка) техник аппаратураси ва мармар кесадиган темир аррали бир дона ускуна қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 310 391 310 сўм.***

Аукцион савдоси 2016 йил 30 март куни соат 11.00 да ўтказилади.

Аукцион савдоларида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади ва аукцион бошланишидан бир кун олдин (аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2016 йил 17 март куни ўтказиладиган аукцион савдосига — 2016 йил 15 март куни соат 16.00, 2016 йил 30 март куни ўтказиладиган аукцион савдосига 2016 йил 28 март куни соат 16.00) тўхтатилади.

Аукцион савдоларига қўйилган асбоб-ускуналар билан талабгорлар тегишли туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишишлари мумкин.

Аукцион савдоларида қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Real auksion» МЧЖнинг АИТБ «Ипак йўли» банки Миробод филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000104996600001, МФО: 01101, СТИР: 302370235.

*Гувоҳнома № 006795.*

**Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Маҳмуд Таробий кўчаси, 31-уй. Телефон: (0-371) 254-69-13.**

347A/28

## «NEW ESTATE ACTION» МЧЖ

**бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.**

● **Аукцион савдосига Тошкент вилояти Янгийўл тумани СИБ томонидан қуйидаги кўчмас мулклар такроран қўйилмоқда:**

**1.** 2014 йил 1 октябрдаги 1-487/2014-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Янгийўл тумани, А. Ортиқов номидаги ҚФЙ, 8/153-сонли уй манзилида жойлашган, умумий майдони 79,43 кв.м. бўлган дала-ҳовли.

***Бошланғич баҳоси — 39 875 949,9 сўм.***

**2.** Жиноят ишлари бўйича Юнусобод тумани судининг 2011 йил 28 октябрдаги ҳукмига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Янгийўл тумани, «Файз» дала-ҳовли уюшмасида жойлашган, ер майдони 0,0611 гектар бўлган, 0001-литердаги 14-сонли дала-ҳовли бино-иншоотлари.

***Бошланғич баҳоси — 9 533 146,85 сўм.***

**3.** 2015 йил 25 мартдаги 1-1108/14-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Янгийўл тумани, «Халқобод» ҚФЙ, Бобур маҳалласи, «Apex Tech Trading» МЧЖ ҳудудидаги 1,21 гектар ер майдонида жойлашган: 0001-литер — нотурар бино, 0005-литер — нотурар бино, 0006-литер — бостирма, 0007-литер — нотурар бино, 0008-литер — бостирма, 0010-литер — тарозихона биноси, 0011-литер — тарозихона биноси, 0012-литер — қоровулхона биноси, 0013-литер — насос иншооти, 0014-литер — бостирма, 0015-литер — ёрдамчи бино, 0016-литер — ҳожатхона, 0017-литер — насосхона биноси, 0018-литер — сув тозалаш ҳовузи ва тўсиқ девордан иборат мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш цехи бино-иншоотлари.

***Бошланғич баҳоси — 1 862 769 594,69 сўм.***

● Аукцион савдосига Тошкент вилояти Ўрта Чирчиқ тумани СИБ томонидан 2015 йил 14 сентябрдаги 1-1116/15-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Ўрта Чирчиқ тумани, «Истиқлол» ҚФЙда жойлашган, қурилиш майдони 154,96 кв.м.дан иборат бўлган нотурар бино-иншоотлар такроран қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 80 000 000 сўм.***

Аукцион савдоси 2016 йил 15 март куни соат 12.00 дан бошлаб ўтказилади.

Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2016 йил 11 март куни соат 16.00.

Аукцион савдосига қўйилган кўчмас мулклар билан талабгорлар тегишли туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишишлари мумкин.

Аукцион савдоларида қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини «New estate action» МЧЖнинг АИТБ «Ипак йўли» банки Миробод филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000104995394001, МФО: 01101, СТИР: 302373151.

Хизматлар лицензияланган.

**Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Маҳмуд Таробий кўчаси, 31-уй. Телефон: (0-371) 254-69-13.**

345A/24

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Тошкент врачлар малакасини ошириш институти жамоаси Оператив хирургия ва топографик анатомия кафедраси фахрийси, профессор

**Аҳмаджон МИРЗАМУҲАМЕДОВнинг**

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Республика ихтисослаштирилган кардиология маркази жамоаси етакчи илмий ходим, касаба уюшма қўмитаси раиси Нурали Қурбоновга онаси

**Жаркин ая ҚУРБОНОВАнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

МУҚАДДАС БУРЧ

Президентимизнинг 2015 йил 23 декабрдаги "Ўзбекистон Республикаси фуқароларини муддатли ҳарбий хизматга навбатдаги чақируви ҳамда белгиланган хизмат муддатларини ўтаб бўлган ҳарбий хизматчиларни Қуролли Кучлар резервига бўшатиш тўғрисида"ги қарори ижроси доирасида жойларда йигитларни муддатли ҳарбий хизматга тантанали кузатиш маросимлари қизғин давом этмоқда.

# Мард ўғлонлар аҳди

Фарғона шаҳрида ўтказилган шундай тадбирда вилоят мудофаа ишлари бошқармаси, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди, "Нуроний" жамғармаси, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши вакиллари, чақирилувчиларнинг ота-оналари қатнашди.

Маросимда сўзга чиққанлар Қуролли Кучларимизда олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар юксак самаралар бераётганини, жумладан, ёшларда миллий армиямиз сафида хизмат қилишга қизиқиш ортиб бораётганини таъкидлаб, муқаддас бурчини адо этишга отланган йигитларга омад тилашди.

— Қуролли Кучларимизда хизмат қилиш ҳар бир ўғлоннинг орзусидир, — дейди Фарғона шаҳридан чақирилувчи Мирзаҳаёт Холматов. — Мен ана шу ниятимга етишиш учун билимим ва жисмоний тайёргарлигимни муттасил ошириб боришга интилдим. Бу холислик ҳамда ошкоралик тамойиллари асосида ташкил қилинган синовлардан муваффақиятли ўтишимда қўл келди. Насиб этса, муддатли ҳарбий хизматни аъло даражада ўтаб, билдирилган ишончни, албатта, оқлайман.

Тадбир доирасида унинг иштирокчиларига дастурхон ёзилди. Санъаткорлар ижросидаги куй-қўшиқлар йиғилганларга янада кўтаринки кайфият бағишлади.

— Шундай ажойиб юртда яшаётганимиздан чексиз фахрланамиз, — дейди Ўзбекистон туманидаги Бешкапа қишлоғидан келган Муҳайёхон Маҳмудова. — Қаранг, армияга кузатиш маросими катта байрамдек ўтказилаяпти. Эгнига ҳарбий либос ярашиб турган алпқомат ўғлонларга боқиб, улар қаторида фарзандим Шуҳратжоннинг борлигини кўриб, очиғи, ич-ичимдан қувониб ўтирибман. "Армия — катта ҳаёт мактаби" дейишади. Ҳақиқатан ҳам, ҳарбий хизмат даври йигитни тоблайди, дунёқарашини кенгайтиради, қалбида Ватанга муҳаббат ҳиссини мустаҳкамлайди. Ишончим комилки, ўғлим ўз бурчини намунали адо этиб, келгусида юртимиз равнақига муносиб ҳисса қўшади.

Тадбирга ташриф буюрганларнинг қай бири билан суҳбатлашмайлик, улардан ана шундай самимий фикрларни эшитдик.

**Н. СОБИРОВ.**

# ФАРЗАНДЛАР КАМОЛИ — ЮРТ ИСТИҚБОЛИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Таъкидлаш керакки, бундай таълим муассасаларида яратилган кенг имкониятлар натижасида ўқувчилар қамрови 1,5 баробар ортди. Агар 2008 йилда болалар мусиқа ва санъат мактабларида республика бўйича жами 38 минг нафар ўғил-қиз таҳсил олган бўлса, ушбу кўрсаткич ўтган йилда 59 минг нафарга етган.

Яккасарой туманидаги 18-болалар мусиқа ва санъат мактаби ҳам 2010 йилда қайта таъмирланиб, замонавий қиёфа касб этган.

— Таълим даргоҳимизда 320 дан зиёд ўқувчи билим ҳамда маҳоратини оширмоқда, — дейди мусиқа ва санъат мактаби директори Ирина Мороз. — Уларга малакали ўқитувчи ҳамда мураббийлар миллий ва жаҳон мусиқа асбобларини чалиш, анъанавий хонандалик, тасвирий ҳамда амалий санъат каби 14 йўналиш бўйича сабоқ бераётир. Яна бир жиҳати, болажонларимиз "Она юрт оҳанглари", "Ягонасан, муқаддас Ватан!", "Санъат ғунчалари" сингари танловларда муваффақиятли қатнашиб келаяпти.



Нурилло Носиров — ушбу таълим муассасасининг иқтидорли ўқувчиларидан бири. У юртимиз ва халқаро миқёсда ўтказилаётган танловларда муносиб иштирок этмоқда.

— Ўтган йили Италиянинг Римини шаҳрида бўлиб ўтган ёш ижрочиларнинг халқаро танловида зарбли чолғулар бўйича Гран-прини қўлга киритдим, — дейди у. — МДҲ мамлакатлари, Франция, Италия ва бошқа давлатлардан келган томошабинларнинг олқиши, ҳакамларнинг эътирофидан Ўзбекистондек буюк юрт фарзанди эканимдан фахрландим. Биз, ёшлар учун яратиб берилаётган бекиёс имкониятлардан унумли фойдаланиб, Ватанимиз обрў-эътиборини бундан-да юксалтиришга ҳисса қўшишга астойдил интиламиз.

Маълумки, 2015 йилнинг 20 ноябрида Президентимизнинг "Болалар мусиқа ва санъат мактаблари фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича 2016 — 2020 йилларга мўлжалланган Давлат дастури тўғрисида"ги қарори қабул қилинди. Мазкур ҳужжат бу борадаги ишлар кўламини янада кенгайтириш ва янги босқичда давом эттиришда муҳим ўрин тутади. Медиа-тур давомида Халқ таълими вазирлиги мутасаддилари истиқболда амалга ошириладиган чора-тадбирлар ҳақида ОАВ ходимларини батафсил хабардор қилдилар.

— Ушбу ҳужжат ҳамда яқинда бўлиб ўтган Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Ҳомийлик кенгашининг навбатдаги йиғилишида Президентимиз томонидан белгилаб берилган устувор вазифалар ижроси доирасида ишлаб чиқилган манзилли дастурга мувофиқ, 2016 — 2020 йилларда 14 минг 700 ўринли 98 болалар мусиқа ва санъат мактабини барпо этиш белгиланган, — дейди Халқ таълими вазирлиги бошқарма бошлиғи Қосимжон Отамирзаев. — Шунингдек, таълим даргоҳлари 72 номдаги ўқув қўлланма ва адабиётлар, ноталар тўплами ҳамда кўргазмали материаллар билан таъминланади. Биргина жорий йилнинг ўзида 18 та ана шундай муассасада қурилиш-таъмирлаш ишлари бажарилади. Давлатимиз раҳбарининг юқоридаги қарорига асосан, мусиқа ва санъат мактабига тўланадиган бадал пули бирмунча арзонлаштирилди. Мамлакат ва халқаро танловлар ғолиблари бепул ўқитилиши белгиланди. Буларнинг барчаси эртамиз эгаларини ҳар жиҳатдан комил инсонлар этиб тарбиялашга қаратилган эзгу саъй-ҳаракатлардир.

Медиа-тур якунида журналистлар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олдилар.

**Омонулла ФАЙЗИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

ИНТИЛИШ

Ғаллаорол туманидаги "Сангзор парранда" масъулияти чекланган жамияти томонидан 2015 йил давомида аҳоли дастурхонига 15 миллион дона тухум, 6 тонна парранда гўшти тортиқ этилди.

# Аҳоли дастурхонига туҳфа

— Тижорат банки томонидан ажратилган 4 миллиард 47 миллион сўмлик кредит ҳисобига Германиянинг "Big dotchman" компанияси технологиясини ўрнатдик, — дейди МЧЖ раҳбари Диёр Бозоров. — Шу асосда ҳар бири 60 минг парранда парваришига мўлжалланган 4 та махсус хона барпо этилди. Натижада самарадорлик бир неча баробар ортди. Ҳозир жамоамизнинг 46 нафар аъзоси саъй-ҳаракати билан харидорларга ойига 1 миллион 200 минг дона тухум етказиб берилаяпти. Қолаверса, жорий йилда 10 тонна парҳезбоп гўшт тайёрлашни мўлжаллаяпмиз.

Умуман, 2015 йилда вилоятда паррандачилик тармоғида 36 та лойиҳа амалга оширилиб, 100 дан ортиқ кишининг бандлиги таъминланди.

**Муқимбой ИСМОИЛОВ.**

МОЛИЯ МУАССАСАЛАРИДА

*Бугун мамлакатимизнинг қайси бир гўшасига борманг, улкан бунёдкорлик ишлари устидан чиқасиз, ижтимоий-иқтисодий соҳаларда кузатилаётган барқарор ривожланиш суръатларига гувоҳ бўласиз. Буларнинг барчаси, аввало, мустақил Ватанимизда ҳукм сураётган тинчлик ва осойишталик туфайлидир. Иқтисодий тараққиётимизнинг ҳал қилувчи кучи сифатида намоён бўлаётган кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорлик соҳасида эришилаётган натижалар алоҳида таҳсинга лойиқ. Зеро, саноатни ривожлантириш, ички бозорни сифатли маҳсулот ва хизматлар билан тўлдириш, аҳоли бандлигини таъминлашда уларнинг ўрни ниҳоятда катта.*

# ТАДБИРКОРЛИККА ЙЎНАЛТИРИЛАЁТГАН САРМОЯЛАР

## ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва аҳоли фаровонлигини оширишда муҳим аҳамият касб этмоқда

Таъкидлаш керакки, хусусий секторнинг жадал суръатларда тараққий топишида истиқлол йилларида соҳанинг ташкилий-ҳуқуқий асоси яратилиб, тадбиркорларнинг ташаббуслари молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватланаётгани муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда. Бу жараёнда Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг Самарқанд вилояти бўлими жамоаси ҳам фаол қатнашиб, иқтисодиётимизнинг саноат, реал сектор корхоналари, қишлоқ хўжалиги, оилавий бизнес ҳамда хусусий тадбиркорлик каби етакчи тармоқларини ривожлантириш, янги иш ўринлари яратиш билан боғлиқ лойиҳалар ижросида молиявий мададкор, яқин кўмакчига айланган.

Дарҳақиқат, бўлим томонидан 2015 йилда тизимни янада мустаҳкамлаш, капиталлашув даражасини ошириш мақсадида нақд пул маблағларининг банкдан ташқари айланмасини қисқартириш, аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларнинг бўш маблағларини омонатларга жалб этиш, пластик карточкалар орқали ҳисоб-китоб қилиш тизимини ривожлантириш бўйича кўрилган изчил чора-тадбирлар молиявий барқарорликни таъминлаб, инвестициявий фаолликнинг ошишида асосий омил бўлди. Бу, ўз навбатида, аҳолининг банк тизимига ишончини янада мустаҳкамламоқда.

— Ҳозирги пайтда бўлимимиз ҳамда унинг филиаллари орқали 8 минг 643 та юридик ва 126 минг 975 та жисмоний шахсга хизмат кўрсатиб келинмоқда, — дейди "Ўзмиллийбанк" Самарқанд вилояти бўлими бошқарувчиси Олтибой Турсунов. — 2016 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, кредит қўйилмалари 358,6 миллиард сўмни ташкил этиб, шунинг 97 фоизи узоқ муддатли кредитлар улушига тўғри келди. Сармояларнинг асосий қисми Президентимиз ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорларига мувофиқ, ҳудуд саноат салоҳиятини юксалтириш, янги қувватларни ишга тушириш, мавжудларини эса техник ва технологик жиҳатдан модернизациялашга йўналтирилаяпти. Пировардида ички бозорга юқори сифатли маҳсулотлар етказиб берилиши баробарида, экспортда қўшимча қийматга эга товарлар улуши тобора ортмоқда.




Таъкидлаш ўринлики, кичик бизнес субъектлари, хусусий тадбиркорлик, деҳқон ҳамда фермер хўжаликларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш банк бўлими фаолиятининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Ўтган йили ушбу соҳалар равнақи учун барча манба ҳисобидан 181,3 миллиард сўм миқдорида кредитлар ажратилгани, бунинг эвазига жами 3 минг 160 та иш ўрни яратилгани қувонарлидир.

Банк сармоялари мақсадли сарфланиб, нечоғли юқори самара бераётганини унинг мижозлари қўлга киритаётган юксак натижалар ҳам яққол тасдиқлайди.

**Саъдулло ШОДИЕВ,**
**"Zamon textile export" МЧЖ раҳбари:**

— Юртимизда тадбиркорлик қилиш истагидаги кишиларнинг мустақил бизнес фаолиятини йўлга қўйиб олиши учун барча шарт-шароит яратиб берилган. Айниқса, тижорат банклари томонидан кўрсатилаётган молиявий хизматлар алоҳида эътирофга лойиқ. Масалан, бизнинг пойабзал маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган корхонамиз фаолият бошлашида "Ўзмиллийбанк"нинг Самарқанд вилояти бўлими яқиндан кўмаклашди. Яъни унинг Амалиёт бошқармаси томонидан Хитой давлат тараққиёт банкининг кредит линияси орқали ажратилган 3,5 миллион АҚШ доллари миқдорида узоқ муддатли кредит йўналтирилди.

Айни пайтда корхонамизда 40 нафар киши меҳнат қилмоқда. Уларнинг ғайрат-шижоати билан ўтган йили 2,8 миллион жуфт оёқ кийим ишлаб чиқарилиб, буюртмачиларга етказиб берилди.

Келажакда бизнес фаолиятимизни кенгайтириш, маҳсулотлар турини кўпайтиришни мақсад қилганмиз. Бунда яна мазкур банкнинг молиявий ёрдамига суянамиз.

**Ҳамза АМИНОВ,**
**"Maroqand sifat" МЧЖ раҳбари:**

— Кейинги йилларда нафақат марказий ҳудудларда, балки чекка қишлоқларда ҳам замонавий спорт мажмуалари, стадионлар бунёд этилиб, фойдаланишга топширилаяпти. Уларнинг қурилишида бизнинг корхонамизда ишлаб чиқарилаётган сунъий майса, ковролин (тўшаладиган материал)дан фойдаланилаётгани жамоамизга ғурур бағишлайди.

Маҳаллий хом ашёдан импорт ўрнини босувчи маҳсулот тайёрлашни йўлга қўйишимизда Миллий банкнинг Самарқанд вилояти бўлими Амалиёт бошқармаси томонидан ажратилган 4 миллион 12 минг АҚШ долларилик имтиёзли кредит айни муддао бўлди. Бу маблағнинг асосий қисми хориждан замонавий технологик линия олиб келишга сарфланди.

Бугунги кунда 210 киши меҳнат қилаётган корхонамиз тўлиқ қувватда ишлаяпти. Яъни йилига 1800 тонна маҳсулот тайёрланиб, буюртмачиларга ўз вақтида етказиб берилмоқда.

**Дилдора АСЛИДДИНОВА,**
**ёш тадбиркор:**

— Ўтган йили коллежни битириш арафасида қандолатчилик фаолиятини йўлга қўйиш бўйича бизнес-режа тузиб, уни молиялаштириш учун Миллий банкнинг Самарқанд вилояти бўлимига топширган эдим. Банк мутахассислари ташаббусимизни қўллаб-қувватлаб, 18 миллион сўмлик имтиёзли кредит ажратишди. Шу тариқа кичик корхонамиз ташкил топди.



Айни пайтда бу ерда ўзим билан бирга, яна 5 нафар тенгдошим меҳнат қилаяпти. Ўтган қисқа вақт ичида 8 миллион сўмлик маҳсулотларимизни харидорларга етказиб беришга эришдик. Бу бизни янада ғайрат-шижоат билан ишлашга ундаяпти.

**Содиқ СУЮНОВ,**
**"Asia fiber" МЧЖ раҳбари:**

— Корхонамизда полиэстер тола ишлаб чиқариш йўлга қўйилган бўлиб, унга нафақат ички бозор, балки хорижда ҳам талаб катта. Шу боис 20 кишилик аҳил жамоамиз маҳсулот ҳажмини кўпайтириш пайидан бўлаяпти. Натижада ўтган йили 4517 тонна экспортбоп товар ишлаб чиқарилиб, унинг 5,5 миллиард сўмлиги маҳаллий, 1,39 миллион АҚШ долларилик қисми эса хорижлик буюртмачиларга етказиб берилди.

Қўлга киритилаётган ушбу муваффақиятларда "Ўзмиллийбанк" Самарқанд вилояти бўлимининг кўмаги катта. Сабаби, корхонамизни ташкил этиш, уни зарур ускуна ва дастгоҳлар билан жиҳозлашда мазкур молия муассасасининг 3,57 миллион АҚШ долларилик узоқ муддатли кредитидан унумли фойдаландик.

Айни пайтда хориждан қўшимча технологик линияларни келтириш, иш ўринларини кўпайтириш чораларини кўраяпмиз. Албатта, ушбу саъй-ҳаракатларда ҳам банк бизга энг яқин кўмакчи бўлишига ишонамиз.

* * *

Шу ўринда айтиш жоизки, вилоятда экспортчи корхоналар сафи йил сайин кенгаймоқда. Бунда Миллий банк ҳузуридаги Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармаси вилоят филиалининг ҳиссаси, айниқса, катта бўлаяпти. Чунки улар ишбилармонларга ташқи бозорларга чиқишлари учун ташкилий, ҳуқуқий ҳамда молиявий хизматлар кўрсатиб келмоқда. Пировардида 2015 йил давомида 32 та тадбиркорлик субъекти томонидан 188,5 миллион АҚШ долларилик экспорт шартномалари имзоланиб, улар доирасида 116,3 миллион долларлик ташқи савдо амалиётлари бажарилди.

Умуман олганда, бир йил давомида 242 та тадбиркорлик субъектига хориж бозорларини ўрганиш, чет эллик ҳамкорлар топиш, халқаро кўргазмаларда қатнашиш, сертификатлар олиш ва божхона расмийлаштирувини амалга оширишда яқиндан ёрдам берилди.

"Ўзмиллийбанк" Самарқанд вилояти бўлими мижозлари томонидан бажарилган экспорт амалиётлари бўйича валюта миқдори таҳлил қилинганда, шу йилнинг 20 февралига қадар 14 миллион 122 минг АҚШ долларидан ортиқ маблағ тушгани маълум бўлди. Бундай натижага эришилишида қишлоқ хўжалиги тармоқларини янада ривожлантириш, сифатли маҳсулотлар етиштириш ҳажмини кўпайтириш, фермер хўжаликлари ҳамда агрофирмаларни молиявий қўллаб-қувватлаш бўйича кўрилаётган кенг кўламли чора-тадбирлар муҳим аҳамият касб этди.

Президентимиз ташаббуси билан қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, молиявий хизматлар кўрсатиш сифати ҳамда тезкорлигини юксалтириш бўйича ҳаётга татбиқ қилинаётган ислоҳотлар замирида аҳоли фаровонлигини таъминлаш, турмуш даражасини оширишдек эзгу мақсадлар мужассам. Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг Самарқанд вилояти бўлими жамоаси буни чуқур ҳис этган ҳолда, юртимиз иқтисодиётининг равнақи йўлида самарали меҳнат қилиб, фаол, ташаббускор, шижоатли тадбиркорларни қўллаб-қувватлаб келмоқда.

Бу борадаги ишлар Соғлом она ва бола йилида янада кенг кўлам касб этиши, соҳага йўналтирилаётган сармоялар ҳажми кўпайтирилиши устувор мақсад қилиб олингани, айниқса, эътиборга моликдир.

**Мамадиёр ЗИЁДИНОВ.**

РЕКЛАМА ЎРНИДА

*Хизматлар лицензияланган.*

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 267. 141 724 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона (0-371) 233-52-55;
Котибият (0-371) 233-10-28; Эълонлар (0-371) 232-11-15.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор Ж. Тоғаев томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: (0-371) 233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — С. Махсумов.
Навбатчи — О. Файзиев.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.30 Топширилди — 22.15 1 2 3 4 5 6